



**ТЕРГОВ ВА СУД ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК  
ҚИЛУВЧИ ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШИ**

**Анорбоев Муроджон Раҳманқул ўғли**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни  
муҳофаза қилиш академияси мустақил  
изланувчиси, ю.ф.ф.д., (PhD) адлия  
кичик маслаҳатчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи ҳамда одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган қонунчилик нормаларининг ривожланиши жараёни таҳлил қилинган. Совет давридан бошлаб, Ўзбекистон мустақилликка эришгунгача бўлган давр, мустақилликка эришган давр ва ҳозирги замонавий ҳуқуқий ислоҳотлар доирасидаги ўзгаришлар кўриб чиқилган. Шунингдек, халқаро тажриба ва халқаро ташиқлотларнинг тавсиялари асосида миллий қонунчиликнинг такомиллаштирилиши ҳам таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** тергов, суд, одил судлов, қонунчилик, жиноий жавобгарлик, ҳуқуқий ислоҳотлар, халқаро тажриба.

**Аннотация.** В данной статье анализируется процесс развития законодательных норм, устанавливающих ответственность за преступления против правосудия и препятствование деятельности следственных и судебных органов. Рассматриваются изменения, происходившие со времен Советского Союза, в период до обретения независимости Узбекистаном, после обретения независимости и в рамках современных правовых реформ. Также исследуется совершенствование национального законодательства на основе международного опыта и рекомендаций международных организаций.

**Ключевые слова:** следствие, суд, правосудие, законодательство, уголовная ответственность, правовые реформы, международный опыт.

**Annotation.** This article analyzes the development of legislative norms establishing liability for crimes against justice and obstruction of investigative and judicial bodies. It examines the changes that occurred from the Soviet era, the period before Uzbekistan's independence, after gaining independence, and within the framework of modern legal reforms. The study also explores the improvement of national legislation based on international experience and recommendations from international organizations.

**Key words:** investigation, court, justice, legislation, criminal liability, legal reforms, international experience.

## КИРИШ

Ўзбекистонда тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи ҳуқуқий нормаларнинг ишлаб чиқилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқий тизимини мустаҳкамлаш ва қонун



устуворлигини таъминлашга бўлган интилишининг муҳим жихатини акс эттиради. Бу одил судловга тўсқинлик қилиш, терговга аралашиш ва суд жараёнларига путур этказишга уринишларни бартараф этувчи аниқ ҳуқуқий базаларни яратишни ўз ичига олади.

Биз ушбу тадқиқот доирасида Ўзбекистоннинг кодификация қилинган қонунчилиги, яъни ЖКлари амал қилган даврларни, бошқача айтганда, 1926, 1959 ва 1994 йиллардаги ЖКлардаги тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларни таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Жумладан, 1926 йилги ЖКда одил судловга қарши жиноятлар деб номланган алоҳида боб ёки бўлим мавжуд бўлмаган. Ушбу Кодексда тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи тўртта жиноят таркиби учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, улар мазкур ЖК Махсус қисмининг “Бошқарув тартибига қарши жиноятлар” ҳамда “Мансабдорлик (хизмат) жиноятлари” бобларида жойлаштирилган. Яъни, мазкур ЖКда биз таҳлил қилаётган қилмишлар жиноят субъекти хусусиятига кўра таснифланган ҳамда шунга кўра тизимлаштирилган.

Жумладан, “Бошқарув тартибига қарши жиноятлар” бўлиmidан ўрин олган 119-моддада гувоҳ, эксперт, таржимон ёки холиснинг тергов ёки суд органининг чақирувига биноан келмаслиги ёки юкланган вазифаларни бажаришдан бўйин товлаши учун жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>. Шунингдек, бундай қилмиш учун уч ойгача мажбурий меҳнат ёки уч юз рублгача жарима жазоси назарда тутилган.

Бундан ташқари, мазкур кодексда халқ маслаҳатчиларининг узрли сабабсиз ўзига юкланган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаши учун эллик рублгача жарима жазоси қўлланилиши белгиланган (118-модда)<sup>2</sup>.

“Мансабдорлик (хизмат) жиноятлари” бобида эса, хусусан, 146-моддада судьянинг ғараз ниятларда ва бошқача адолатсиз ҳукм шаклида қарорлар қабул қилиши учун судьялик фаолияти билан шуғулланишни чеклаш билан биргаликда уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилган. Шунингдек, 147-моддада суриштирув ёки терговни амалга ошираётган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ушлаб

<sup>1</sup> Уголовный кодекс Узбекской ССР 1926 г. – Самарканд: НКЮ УзССР, 1926. – С. 19.

<sup>2</sup> Ўша ерда.



туриш, қонунга хилоф равишда олиб келиш, шунингдек сўроқ пайтида кўрсатув беришга мажбурлаш, шунингдек, шахсий ёки бошқа ғаразли сабабларга кўра эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш учун жавобгарлик назарда тутилган<sup>3</sup>.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистоннинг 1926 йилдаги ҳамда амалдаги жиноят қонунчилиги муҳим ҳуқуқий ва мантиқий эволюцияни кўрсатиб, мамлакатимизнинг ўзгарувчан сиёсий манзараси ва ижтимоий қадриятларини акс эттиради. Хусусан, 1926 йилги ЖК собиқ Совет Иттифоқининг илк даврида ишлаб чиқилган бўлиб, давлат назорати ва ижтимоий тартибни ўртача жазо ва тор доирадаги жиноятлар билан қамраб олган. Ушбу кодекс шахсий ҳуқуқлар ёки суд мустақиллигига камроқ эътибор қаратган ҳолда, асосан жиноятчиликнинг умумий олдини олишга, шунингдек жазо тайинлашда ҳам маҳкумларни меҳнат орқали ахлоқини тузатишга эътибор қаратилган. Одил судловга қарши жиноятлар билан боғлиқ жиноятлар ҳам, биринчи навбатда, давлат ҳокимиятини сақлаш, социалистик тамойилларга риоя қилишни таъминлашга қаратилган жазолар билан боғлиқ бўлган.

Бундан фарқли ўлароқ, 1994 йилги ЖК давлатимиз 1991 йилда мустақилликка эришгандан сўнг жорий этилди. Бу халқаро инсон ҳуқуқлари нормалари ва мустақил суд тизимини яратиш зарурати таъсирида янада такомиллаштирилган ҳуқуқий базага ўтишни кўрсатди. 1994 йилда қабул қилинган Кодексда одил судловга қарши жиноятлар доираси кенгайтирилди, қаттиқроқ жазолар киритилди ва суд жараёнининг дахлсизлигини ҳимоя қилиш бўйича батафсил қоидалар билан тўлдирилди. Масалан, айбсиз шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки адолатсиз ҳукм чиқариш каби жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати анча узоқроқ бўлган, бу одил судловга қарши жиноят учун жавобгарлик юзасидан қатъий позицияни акс эттиради.

1926 йилдан 1994 йилги кодексгача бўлган бу эволюция Ўзбекистоннинг давлат назоратига қаратилган совет республикасидан қонун устуворлиги, суд мустақиллиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга содиқ мустақил давлатга ўтганини кўрсатади. Ҳуқуқий нормалардаги ўзгаришлар мамлакатимизда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адолатли ва холис одил судлов тизимини таъминлашга эътибор кучайиб бораётганидан далолат беради.

<sup>3</sup> Ўша ерда.



1959 йилги ЖКда эса, 1926 йилги ЖКдан фаркли равишда тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноят таркиблари кенгайтирилди. Шунингдек, ушбу кодексда биз таҳлил қилаётган жиноятлар “Одил судловга қарши жиноятлар” деб номланган махсус бобда тизимлаштирилди (ЖК Махсус қисми 7-боби). Ушбу боб 15 та моддадан (156–170-моддалар) иборат бўлиб, шундан 8 та моддада тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жумладан, кодекснинг 156-моддасида айбсиз кишини била туриб жиноий жавобгарликка тортиш учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, суриштирув олиб боровчи шахс, терговчи ёки прокурор томонидан ғараз билан ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб, айбсизлиги маълум кишини била туриб жиноий жавобгарликка тортиш икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланиши назарда тутилган. Шунингдек, мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра, ўша ҳаракатлар, давлатга қарши жиноят ёки бошқа оғир жиноятларда айблаш билан боғлиқ бўлса, шунингдек, сунъий далиллар вужудга келтириб айблаш билан содир этилса икки йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган<sup>4</sup>.

Ушбу ўринда эътиборни жалб қиладиган жиҳати унда “сунъий далиллар вужудга келтириб айблаш” масаласининг белгиланганлигидир. Қайд этиш жоизки, сунъий далил яратиш орқали айблаш деганда кимнидир айбдордек кўрсатиш учун далилларни тўқиб ёки ўзгартириб, жиноятда ёлғон айблаш ҳаракати тушунилади. Бу айбсиз шахсга нисбатан жиноий айблов қўйиш учун сохта ёки чалғитувчи далилларни атайлаб яратиш, ўзгартириш ёки улардан фойдаланишни ўз ичига олади. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу ҳолат 1994 йилги ЖКда инobatга олинмаган эди. Фақат 2018 йилга келиб ушбу тажрибани кенгайтирган ҳолда, амалдаги ЖК “Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)” (230<sup>1</sup>-модда) ҳамда “Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш)” (230<sup>2</sup>-модда) бўйича алоҳида моддалар билан тўлдирилди<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. Бешинчи чақирғиқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида 1959 йил 21 майда қабул қилинган. / 1977 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 106-115.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан



Аmmo алоҳида эътироф этиш керакки, “далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)” ва “сунъий далиллар вужудга келтириб айблаш” атамалари бир-бирига боғлиқ бўлса-да, улар кўлами ва ўзига хос ҳуқуқий оқибатлари билан ўзаро фарқ қилади. Хусусан, сунъий далиллар вужудга келтириб айблаш айбсиз шахсга нисбатан нотўғри айблов қўйиш учун сохта далиллардан фойдаланишга қаратилган. Бу кимнидир айнан айблаш мақсадида далилларни сохталаштиришнинг мақсадли шакли ҳисобланади. Яъни, бунда шахсда кимнидир “айблаш” мақсади мавжуд бўлади. Далилларни сохталаштириш эса, ҳар қандай аниқ айблов билан боғлиқ бўлиши шарт эмас, ушбу атамани турли ҳолатларга нисбатан қўллаш мумкин. Бу кимнидир ҳимоя қилиш, кимнидир айблаш ёки умуман суд жараёнининг натижасини манипуляция қилиш учун амалга оширилиши мумкин. Умуман олганда, далилларни сохталаштириш кенгроқ атама бўлиб, у аниқ айблов билан боғлиқ бўладими ёки йўқми, далилларни бузиш бўйича ҳар қандай ҳаракатни ўз ичига олади. Сунъий далиллар вужудга келтириб айблаш эса, насбатан аниқроқ ва торроқ тушунча бўлиб, кимнидир жиноятда ноҳақ айблаш учун сохталаштирилган далиллардан фойдаланишни ўз ичига олади. Демак, сунъий далиллар вужудга келтириб айблашда барча ҳаракатлар далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) билан боғлиқ бўлса-да, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)нинг барчаси ҳам кимнидир ёлғон айблашга қаратилган бўлмайди.

Шунингдек, 1959 йилги ЖК 157-моддасида адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш учун жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра, судьялар томонидан ғаразгўйлик орқали ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб била туриб адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланади<sup>6</sup>. Мазкур қилмиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, бундай ҳолда уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланиши назарда тутилган. Ушбу норманинг амалдаги ЖКдан (231-модда) фарқли жиҳати унда жиноят субъекти ва мотивининг аниқ белгилаб

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-470-сонли Қонуни. // [www.lex.uz/docs/3609511](http://www.lex.uz/docs/3609511)

<sup>6</sup> Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида 1959 йил 21 майда қабул қилинган. / 1977 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 106-115.



қўйилганлигидир. Умуман олганда, ҳар иккала моддадаги норма ҳам адолатсиз суд ҳужжатлари чиқариш билан боғлиқ бўлса-да, амалдаги ЖКнинг 231-моддасида янада аниқроқ, кенгроқ ва қатъий асослар киритилган. Ушбу норма муайян мотивдаги эмас, балки қасддан содир этилган барча қилмишларга эътибор қаратиб, жиноий жавобгарлик мезонларини кенгайтирган, қаттиқроқ жазоларни назарда тутган ва, айниқса, ўлим каби оғир оқибатларга эътибор қаратган, бу одил судловга қарши жиноятларга нисбатан қатъий ҳуқуқий ёндашув томон силжиш мавжудлигини акс эттиради.

1959 йилги ЖК 158-моддасида била туриб қонунга хилоф равишда қамоққа олиш ёки ушлаб туриш учун жавобгарлик назарда тутилган<sup>7</sup>. Ушбу масалада амалдаги ЖК 234-моддасида белгиланган нормалар кенгроқ ва аниқроқ баён этилган деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, 1959 йилги ЖК 159-моддасида кўрсатув беришга мажбур этиш учун жавобгарлик кўрсатилган. Унга кўра, суриштирув ёки дастлабки тергов олиб боровчи шахслар томонидан сўроқ вақтида кўрқитиш ёки бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар орқали кўрсатув беришга мажбурлаш икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Мазкур қилмиш сўроқ қилинаётган шахсга нисбатан зўрлаш ёки хўрлаш билан боғлиқ бўлса, бундай қилмиш беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади<sup>8</sup>. Ушбу моддада таъкидланганидек, жиноят фақат кимнидир гувоҳлик беришга мажбур қилиш эмас, балки бунга эришиш учун қўлланиладиган ноқонуний усуллар, таҳдидлардан тортиб, оғир жисмоний ва руҳий зўравонликгача бўлиши мумкин. Мазкур норма шахсларни суриштирув ва дастлабки тергов жараёни давомида мажбурлаш ва ваколатни суистеъмол қилиш амалиётидан ҳимоя қилишга, кўрсатувларнинг эркин ва ихтиёрий берилишини таъминлашга қаратилган. Буни шуни англатадики, ушбу модда сўроқ қилиш пайтида қонуний ва ахлоқий хулқ-атвор муҳимлигини таъкидлайди. У кўрсатув беришга мажбурлаш учун кўрқитиш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни жиноят деб ҳисоблайди, янада жиддийроқ қонун бузилиши ҳолатлари учун қаттиқроқ жазоларни назарда тутди ва шу билан одил судлов жараёни доирасида шахсларнинг ҳуқуқлари ва кадр-қимматини ҳимоя қилади. Амалдаги ЖКда эса,

<sup>7</sup> Ўша ерда.

<sup>8</sup> Ўша ерда.



ушбу нормалар тўлиқ қайта кўриб чиқилган (235-модда) ҳамда нисбатан муфассал қоидалар ва чоралар билан тўлдирилган.

Таъкидлаш жоизки, 1959 йилги ЖКда жиноят процессида кўрсатмаларнинг берилиши ва олиниши қонунийлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу кодексда юқорида нормадан ташқари 161-моддада била туриб ёлғон кўрсатма бериш учун, 163-моддада эса, гувоҳ ёки экспертни кўрқитиш ёки сотиб олиш учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, 161-моддага кўра, суриштирув, тергов ёки суд вақтида гувоҳнинг, жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатма бериши ёки экспертнинг била туриб ёлғон фикр бериши, шунингдек, таржиманинг нотўғри қилиниши учун жавобгарлик назарда тутилган. Унда санкцияда бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган. Ўз навбатида, мазкур қилмиш давлатга қарши жиноятлар ёки бошқа оғир жиноятларда айблаш билан боғлиқ бўлса ёки ғараз билан қилинса ёхуд оғир оқибатларга олиб келса, бир йилдан уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.

Шунингдек, 163-моддага кўра, гувоҳ ёки экспертни ўлдириш билан, мулкни нобуд қилиш билан ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, шунингдек, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида уларни сотиб олиш бир йилдан уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш иши ёхуд юз сўмгача жарима билан жазоланиши белгиланган<sup>9</sup>.

Мазкур жиноятлар таҳлилида қайд этиш зарурки, Ўзбекистоннинг 1959 йилдан 1994 йилги ЖКга қадар бўлган ривожланиш ёлғон гувоҳлик бериш ва одил судловга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар ва жазолар сезиларли даражада қаттиқлашгани, кенгайгани ва жиноят таркибларига янада аниқлик киритилганлигини кўрсатди. Амалдаги кодексда юқорида қайд этилган иккита жиноят таркиби (161 ва 163-моддалар) бирлаштирилган ҳолда ягона моддада (238-модда) акс эттирилган, шунингдек, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларга алоҳида эътибор берилган. Фикримизча, бундай ҳолат одил судлов тизимининг самарадорлигини ошириш ва оғир қилмишларнинг олдини олишга қаратилган сабъ-ҳаракатларни ўзида намоён этади.

<sup>9</sup> Ўша ерда.



Бундан ташқари, 1959 йилги ЖКнинг 162-моддасида гувоҳнинг кўрсатма беришдан бош тортиши ёки бўйин товлаши учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра, суриштирув, тергов вақтида ёки суд мажлисида гувоҳнинг, жабрланувчининг кўрсатма беришдан ёки экспертнинг фикр беришдан бош тортиши ёки бўйин товлаши, шунингдек, гувоҳнинг келишига ёки кўрсатма беришига тўсқинлик қилиш олти ойгача муддатга ахлоқ тузатиш иши ёки эллик сўмгача жарима ёхуд жамоат иззаси бериш билан жазоланади<sup>10</sup>. Таъкидлаш зарурки, ушбу моддада кўрсатув ёки эксперт хулосасини беришга чақирилган шахслар буни тўсқинликсиз бажаришларини таъминлаш учун мўлжалланган. Гувоҳларнинг, жабрланувчиларнинг кўрсатмалари ва экспертларнинг фикрлари одил судлов жараёни учун жуда муҳим бўлиб, рад этиш ёки истамаслик адолатга интилишда жиддий тўсқинлик қилиши мумкин. Бундай ҳолатлар учун жазо чораларини қўллаш орқали қонун шахсларни суд жараёнига путур етказишдан қайтаришга қаратилган. Ушбу норма барча зарур далиллар ва гувоҳликларни судга тақдим этишни таъминлаш орқали суд жараёнининг яхлитлиги ва самарадорлигини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Демак, ушбу 162-модда суд процессида ҳамкорликнинг муҳимлигини инобатга олган бўлиб, унда кўрсатма беришдан ёки эксперт хулосасини беришдан бош тортиш ёки истамаган шахслар, шунингдек, бошқаларга бунга тўсқинлик қилганлар жазоланади. Албатта, жазолар талабларга риоя қилишни таъминлаш ва суд жараёнининг самарали ва адолатли ишлашини таъминлаш учун мўлжалланган.

Маълумки, амалдаги ЖК 240-моддасида жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши учун жавобгарлик белгиланган. Аммо амалдаги қонунчиликдан (240-модда) 1959 йилги ЖК 162-моддасида назарда тутилган нормалар қуйидагиларга кўра фарқланади:

*биринчидан*, 1959 йилги ЖКда суриштирув, тергов ёки суд мажлисида иштирок этиш учун гувоҳнинг келишига ёки кўрсатма беришига тўсқинлик қилиш қилмиши учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Амалдаги ЖК 240-моддасида бундай норма назарда тутилмаган. Фикримизча ушбу ҳолатни амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришда инобатга олиш мақсадга сувофиқ;

<sup>10</sup> Ўша ерда.



*иккинчидан*, амалдаги қонунчилик инсонпарварлик тамойили қоидалари билан тўлдирилган ҳолда, яқин қариндошлар томонидан гувоҳлик кўрсатуви берилмаганлиги учун, шунингдек гувоҳнинг ўзига қарши кўрсатув беришни рад этганлиги учун жавобгарлик истисно этилган. Ушбу ҳолатни биз амалдаги қонунчиликда эришилган ижобий жиҳат деб ҳисоблаймиз.

1959 йилги ЖКда жавобгарлик назарда тутилган тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жинойтлардан яна бир суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш (164-модда) ҳисобланади. Бунда прокурор, терговчи ёки суриштирув олиб борувчи мансабдор шахснинг рухсатсиз суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш олти ойгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш иши ёхуд эллик сўмгача жарима билан жазоланиши белгиланган<sup>11</sup>.

Ҳуқуқий ва ахлоқий нуқтаи назардан, мазкур 164-модда суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида шаффофлик ва махфийликни сақлаш зарурати ўртасидаги мувозанатни кўрсатади. Санкцияда назарда тутилган тури алтернатив жазолар босқичма-босқич ёндашувни акс эттиради, бу суд тизимида жазони бузилишнинг оғирлигига ва ишнинг ўзига хос ҳолатларига мослаштиришга имкон беради. Ушбу қоида процессуал дахлсизликни ҳимоя қилишга ва одил судловни амалга оширишга зарар етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга урғу берадиган кенгроқ ҳуқуқий тамойилларга мос келади. Шунингдек, кенгроқ ҳуқуқий нуқтаи назардан бундай қоидалар аҳолининг суд-ҳуқуқ тизимида бўлган ишончини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Улар терговнинг нотўғри ташқи таъсирларсиз ёки нотўғри натижаларга олиб келиши мумкин бўлган маълумотларнинг муддатидан олдин ошкор этилишисиз ёки одил судловга тўсқинлик қилмасдан ўтказилишини таъминлайди. Шу боис 164-модда мамлакатимиз жинойтчиликка қарши кураш тарихида қонун устуворлигини ва одил судловни амалга оширишни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий базанинг муҳим таркибий қисми бўлган, десак муболаға бўлмайди.

Биз юқорида мамлакатимизда амал қилган ЖКларини қиёсий таҳлил қилиш усули ёрдамида ёритган бўлсак-да, мустақилликка эришилгандан сўнг, тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жинойтлар учун

<sup>11</sup> Ўша ерда.



жавобгарлик масаласида қатор тизимли ислоҳотлар амалга оширилганлигини алоҳида эътироф этишимиз даркор. Буни биз қуйидаги босқичларда баён этишимиз мумкин:

**1) 1994 йилда** мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги замон талаблари, янгича ёндагув ва инсонпарварлик ғояларини сингдирган ҳолда янги ЖК қабул қилинди. Бунда Махсус қисмнинг 156-бобида одил судловга қарши жиноятлар тизимлаштирилган ҳолда мустаҳкамланди. Эътироф этиш жоизки, бунда жиноят таркиблари, жазо чоралари тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Жумладан, тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятлар тизимида тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиб (236-модда) каби янги жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланди. Бундай тоифадаги жиноятлар учун жазо турлари ва доираси кенгайтирилди ва зарур ҳолларда оғирлаштирилди. Хусусан, ушбу Кодексда тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи 21 та жиноят таркиби учун жавобгарлик белгиланиб, уларнинг 28,6 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган, 33,3 фоизи унча оғир бўлмаган, 38,1 фоизи оғир жиноятлар сифатида таснифланди ҳамда шунга монанд санкциялар назарда тутилди;

**2) 2003 йилда** кўрсатув беришга мажбур қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган модда (235-модда) қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш мазмунида тўлиқ қайта кўриб чиқилди ва янги таҳрирда баён этилди<sup>12</sup>;

**3) 2008 йилда** жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш учун жавобгарлик белгиловчи янги 2411-модда билан тўлдирилди<sup>13</sup>;

**4) 2018 йилда:**

– далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) учун жавобгарлик белгиловчи 230<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди;

– қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш учун жавобгарлик

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 535–II-сон Қонуни. // [www.lex.uz/docs/36558](http://www.lex.uz/docs/36558)

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–181-сонли Қонуни. // [www.lex.uz/docs/1394865](http://www.lex.uz/docs/1394865)



белгиланган 235-модда, шунингдек, ёлфон гувоҳлик бериш учун жавобгарлик назарда тутилган 238-модда янги таҳрирда баён этилди<sup>14</sup>;

– жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш учун жавобгарлик белгиланган 241<sup>1</sup>-модданинг матни янги таҳрирда баён этилди<sup>15</sup>;

**5) 2019 йилда** мамлакатимизда терговга қадар текширув институтининг ҳуқуқий асослари шакллантирилиши муносабати билан тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятлар субъектлари доираси терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси деган махсус субъект билан кенгайтирилди (234 ва 240-моддалар)<sup>16</sup>.

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи ҳуқуқий нормаларнинг ривожланиши одил судлов тизими яхлитлигини таъминлаш зарурати тобора ортиб бораётган эътирофдан далолат беради. Вақт ўтиши билан бу нормалар тобора батафсил ва қатъийлаштирилиб, соҳанинг тергов ва суд жараёнларини аралаштиришдан, коррупция ва ваколатни суиистеъмол қилишдан ҳимоя қилишга урғу беради. Жазоларнинг босқичма-босқич кучайтирилиши ва соҳани тартибга солувчи қонунчилик нормалари кўламининг кенгайтирилиши ҳуқуқ тизимининг барча иштирокчилари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд органлари ходимлари ва тегишли мансабдор шахсларнинг одил судловга путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилишини таъминлаш, суд жараёнларининг шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш учун амалга оширилган тизимли саъй-ҳаракатлардан далолат беради. Бундай ёндашув нафақат қонун устуворлигини мустаҳкамлайди, балки одил судловнинг адолатли, холис ва ортиқча таъсирларсиз амалга оширилишини таъминлаб, аҳолининг одил судлов тизимига ишончини оширади. Ушбу қонунчилик асослари ривожланишда

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-470-сонли Қонуни. // [www.lex.uz/docs/3609511](http://www.lex.uz/docs/3609511)

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 20 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-485-сон Қонуни. // [www.lex.uz/docs/3831216](http://www.lex.uz/docs/3831216)

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-542-сон Қонуни. // [www.lex.uz/docs/4349703](http://www.lex.uz/docs/4349703)



давом этар экан, умумий манзара адолатли ва тенг ҳуқуқли жамиятни таъминлашда жавобгарликнинг роли муҳим эканлигини кўрсатишини эътироф этишимиз жоиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Уголовный кодекс Узбекской ССР 1926 г. – Самарканд: НКЮ УзССР, 1926. – С. 19.
2. Ўша ерда.
3. Ўша ерда.
4. Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида 1959 йил 21 майда қабул қилинган. / 1977 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 106-115.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–470-сонли Қонуни. // [www.lex.uz/docs/3609511](http://www.lex.uz/docs/3609511)
6. Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида 1959 йил 21 майда қабул қилинган. / 1977 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 106-115.
7. Ўша ерда.
8. Ўша ерда.
9. Ўша ерда.
10. Ўша ерда.
11. Ўша ерда.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 535–II-сон Қонуни. // [www.lex.uz/docs/36558](http://www.lex.uz/docs/36558)
13. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–181-сонли Қонуни. // [www.lex.uz/docs/1394865](http://www.lex.uz/docs/1394865)
14. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва



- қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–470-сонли Қонуни. // [www.lex.uz/docs/3609511](http://www.lex.uz/docs/3609511)
15. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 20 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ–485-сон Қонуни. // [www.lex.uz/docs/3831216](http://www.lex.uz/docs/3831216)
16. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–542-сон Қонуни. // [www.lex.uz/docs/4349703](http://www.lex.uz/docs/4349703)

